

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/31.12.2020.Tar.60.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕГИМҚУЛОВА ЛАЙЛО МАШРАБОВНА

**XV АСР БОШЛАРИДА МОВАРОУННАҲРДА ҲОКИМИЯТ УЧУН
КУРАШ
(кучлар нисбати ва натижалар таҳлили)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Бегимкулова Лайло Машрабовна

XV аср бошларида Мовароуннаҳрда ҳокимият учун кураш (кучлар нисбати ва натижалар таҳлили).....5

Бегимкулова Лайло Машрабовна

Борьба за власть в Мавераннахре в начале XV века (анализ соотношения сил и результатов)25

Begimkulova Laylo Mashrabovna

Struggle for power in Maveraunnahr at the beginning of the 15th century (analysis of the balance of forces and results)47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications.....51

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/31.12.2020.Tar.60.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕГИМҚУЛОВА ЛАЙЛО МАШРАБОВНА

**XV АСР БОШЛАРИДА МОВАРОУННАҲРДА ҲОКИМИЯТ УЧУН
КУРАШ
(кучлар нисбати ва натижалар таҳлили)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2020.4.PHD/Tar528 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://kengash.adu.uz/tarix/>) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усмонов Баҳриддин Аҳмедович
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Музробжон Ғуломжонович
тарих фанлари доктори

Мадраимов Абдумажид Абдураимович
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.03/31.12.2020 Tar.60.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» 07 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй, Андижон давлат университетининг Тарих факультети биноси 1-қават 108-аудитория. Тел.: (0374) 225-73-21; факс: (0374) 225-73-21) e-mail:ags_info@edu.uz. Андижон давлат университети).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган) Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Бош бино). Тел: (0374) 225-84-33; факс: (0374) 225-88-30).

Диссертация автореферати 2021 йил «28» 06 кuni тарқатилди.
(2021 йил «12» 05 даги 15 рақамли реестр баённомаси).



Р. Т. Шамсутдинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

М.О. Алихожиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

У. С. Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихидаги энг йирик давлатлардан бири Темурийлар салтанатида юз берган сиёсий жараёнлар дунёнинг кўпгина минтакаларида кечган воқеликларга ўз таъсирини ўтказган. Катта худудларни бирлаштирган бу давлат мамлакатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг ривожланишига хизмат қилган. Шу жиҳатдан Темурийлар салтанатида кечган сиёсий жараёнларнинг таҳлил этилиши жаҳон тарихининг мазкур даврига оид илмий масалалари тадқиқида муҳим ўрин тутди.

Дунёнинг кўплаб илмий-тадқиқот марказларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг турли жиҳатларига оид изланишлар олиб борилган. Жумладан, Амир Темур (1336, 1370-1405) вафотидан кейин темурийлар ўртасида юз берган тахт учун кураш масаласи ўрганилиб, асосий эътибор Мирзо Шохрух ва унинг ўғли Мирзо Улуғбекнинг фаолиятига қаратилган. Бу эса Амир Темур фаолиятининг сўнгги йилларида тахтга даъвогар шахзодалар ўртасидаги кучлар нисбати, уларни қўллаган сиёсий гуруҳларнинг шаклланиши ва ушбу гуруҳлар манфаатларидаги умумийлик ҳамда зиддиятлар каби масалалар эътибордан четда қолганлигини кўрсатади. Қолаверса, 1405-1409 йилларда Мовароуннаҳрда кечган ҳокимият учун кураш тарихини тадқиқ этиш Темурийлар салтанатида икки сиёсий марказнинг шаклланиши сабаблари ва шу даврда Ироқ, Эрон, Дашти Қипчоқ, Мўғулистон худудларида юз берган тарихий жараёнларни англашда муҳим аҳамиятга эга.

Республикамызда ўзбек давлатчилигининг энг муҳим давларидан бири ҳисобланмиш Амир Темур ва темурийлар салтанати тарихини ўрганиш бўйича кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. “Миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш ...лозим”¹лигини тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан, XV аср бошларида Мовароуннаҳрда юз берган ҳокимият учун кураш масаласини кенгроқ тадқиқ этиш, тарихшунослик, манбашунослик, этномаданий муносабатлар, давлатчилик тарихи каби йўналишларда илмий изланишларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сон “Ўсмирларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 февралдаги 140-сон “Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларида, шунингдек, ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>.

белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг жаҳон тарихшунослигида кенг тадқиқ этилаётганлиги ўзбек, рус, инглиз, француз, араб, форс, турк тилларида ушбу сулола тарихига оид 5600 дан ортиқ номдаги мақола, монография ва бошқа шаклларда тадқиқотлар эълон қилинганлигида ҳам кўринади². Тарихшунослик таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, XV аср бошларида Мовароуннаҳрда ҳокимият учун кураш тарихига доир комплекс тадқиқот олиб борилмаган. Лекин Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихига бағишланган илмий асарлар ҳамда тадқиқотларда тадқиқ этилаётган мавзунинг баъзи масалалари ўз ифодасини топган. Диссертацияда мазкур тадқиқотлар даврий ва ҳудудий тамойилларга кўра 3 гуруҳга ажратиб таҳлил этилди: 1) Хорижий мамлакатларда эълон қилинган илмий ишлар; 2) Россия империяси ва совет даврида чоп этилган адабиётлар; 3) Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотлар.

Амалга оширилган тарихшунослик таҳлили XV аср бошларида Мовароуннаҳрда ҳокимият учун кураш тарихини комплекс тарзда тадқиқ этиш ҳам илмий-назарий, ҳам илмий-амалий жиҳатдан зарур эканлигини кўрсатади (Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳақида диссертациянинг биринчи бобида батафсил маълумот берилган).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 1405–1409 йилларда Мовароуннаҳрда кечган ҳокимият учун кураш тарихи, тахтга даъвогар шаҳзодалар ўртасидаги кучлар нисбати ва натижаларни келтириб чиқарган омилларни очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Амир Темур фаолиятининг сўнгги йилларида тахтга даъвогар бўлган шаҳзодалар ўртасидаги кучлар нисбатини кўрсатиб бериш;

валиаҳд тайинлаш масаласи ва унинг ортга сурилишига таъсир этган омилларни тадқиқ этиш;

²Амир Темур библиографияси. Биринчи китоб. / Тузувчилар: Файзиев Х.Т., Бўриев О., Раҳматуллаева А.Р., Шарипов А.А., Бердиева З.Ш., Улжабоева С.Б., Авазов Ф.А. Масъул муҳаррирлар Х.Т. Файзиев, О. Бўриев. – Тошкент: Фан, 2020. – 576 б.

шахзодаларни қўллаган сиёсий гуруҳлар ҳамда уларнинг манфаатларини таҳлил этиш;

Халил Султон томонидан Самарқанд тахтини қўлга киритилишига ёрдам берган омилларни очиб бериш;

Халил Султон ҳокимиятининг вақтинчалик мустаҳкамланиши асосларини кўрсатиб бериш;

1405–1409 йилларда Мовароуннаҳрнинг турли худудларини эгаллаб олган амирларнинг марказий ҳокимиятга бўлган муносабатларини очиб бериш;

1407–1409 йилларда Мовароуннаҳрда ички сиёсий зиддиятларнинг кучайиб бориши сабабларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида XV аср бошларида Мовароуннаҳрда кечган ҳокимият учун кураш тарихи олинган.

Тадқиқотнинг предмети Амир Темур вафотидан кейин Мовароуннаҳрда юз берган сиёсий жараёнлар, тахтга даъвогар шахзодаларнинг сиёсий ва ҳарбий мавқеи ҳамда улар ўртасидаги кураш натижаларининг тарихий таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида объективлик, тарихийлик, изчиллик тамойиллари, тизимлаштириш, муаммовий-хронологик ва қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

валиаҳд шахзода Мирзо Муҳаммад Султон вафотидан сўнг темурий шахзодалар ўртасида бошқарувчилик қобилияти, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий мавқеи билан бошқалардан кескин ажралиб турадиган яққол етакчи кўзга ташланмаганлиги очиб берилган ҳамда шу сабабли Амир Темур валиаҳд тайинлаш масаласига жиддий эътибор қаратганлиги исботланган;

тахт учун даъвогар шахзодалар ўртасидаги кучлар нисбати таҳлил этилиб, бошқарувдаги тажрибаси ва ёши катталиги билан Мирзо Пир Муҳаммаднинг, йирик амирлар, ҳарам аҳли ва диний уламолар ўртасидаги мавқеининг юқорилиги сабабли Мирзо Шохрухнинг, Хитой юришига жалб қилинган қўшиннинг катта қисмини бошқараётганлиги, ҳокимият учун кураш жараёнида пойтахтга яқин бўлганлиги учун Халил Султоннинг имкониятлари юқори эканлиги далилланган;

Халил Султон лашкарининг катта қисмини ташкил этган қаро тоторлар³ ва ироқликларнинг Мовароуннаҳрдан Кичик Осиё ҳамда Ироққа қайтиши уларга нисбатан сиёсий ҳамда молиявий эътиборнинг пасайиши, 1406-1407 йилларда Мовароуннаҳрда юз берган қаҳатчилик сабабли 3

³ Қаро тоторлар – Мўғул хони Хулағухон даврида Рум (Кичик Осиё) ва Шом(Сурия)га Марказий Осиё чўлларидан кўчириб келтирилган кўчманчи туркий халқ. Амир Темур 1404 йили қаро тоторларни Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий чегараларига кўчирган эди. Шарафуддин Али Яздий уларни قرا تاتار (қаро тотор), Ибн Арабшоҳ эса “Рум тоторлари” деб атаган. شرف الدين على يزدى. ظفر نامه. بتصحيح و تحشيه سالک ممالک. شرافيددين علي يازدي. Зафарнома. /Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Ахмад ва Ҳ.Бобобекков.– Тошкент: Шарқ, 1997 (кейинги ўринларда – Яздий. Зафарнома.). – Б. 271; Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур: Темур тарихида тақдир ажойиботлари. /Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни У. Уватов тайёрлаган. К.П. –Тошкент: Мехнат, 1991(кейинги ўринларда – Ибн Арабшоҳ 1-китоб; Ибн Арабшоҳ 2-китоб.). – Б.45.

босқичда амалга ошганлиги аниқланиб, бу ҳолат унинг мавқеини заифлашувига катта таъсир қилганлиги асосланган;

Халил Султоннинг давлат бошқарувидаги хатолари, хусусан, амирлар Шайх Нуриддин ва Худойдод Хусайнийга қарши курашда муваффақиятга эриша олмаганлиги Мовароуннаҳрда Мирзо Шохрух ҳокимиятининг ўрнатилиши учун қулай шароит яратганлиги кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Халил Султон бошқарувида бўлган ҳудудлар чегарасига аниқлик киритилиб, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Ҳисор воҳалари билан чекланганлиги асосланган;

Мирзо Шохрух Самарқанд тахти учун курашда Мирзо Пир Муҳаммадни қўллаб қувватлаш орқали Мовароуннаҳрнинг бир қисмини ўғли Мирзо Улуғбек ихтиёрига ўтишига эришмоқчи бўлганлиги очиқ берилган;

Халил Султон ҳокимиятининг мустаҳкамланиб боришида динамик ўсиш кузатилмаганлиги, унинг рақобатчиларига қарши курашда эришган 1406–1407 йиллардаги ғалабалари ички сиёсий вазиятнинг кескинлашуви натижасида етарли самара бермаганлиги кўрсатиб берилган;

Амир Темур вафотидан кейин юз берган сиёсий жараёнларни таҳлил этиш жараёнида Жан Поль Ру, Р.Гроуссет, Х.Хукхэм, Ҳ.Р.Ромер, Ҳ.Вамбери ва В.В.Бартольд томонидан билдирилган айрим фикрларнинг нотўғри эканлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уни бевосита бирламчи ёзма манбалар бўлмиш Ғиёсиддин Алининг “Рўзномаи ғазовоти Ҳиндистон”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний”, Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур”, Фасих Хавофийнинг “Мужмали Фасихий”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, Ғиёсиддин Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар” каби тарихий манбаларга асосланганлиги, тарихшуносликда самарали қўлланилган тадқиқот усулларига ва замонавий илмий-назарий ёндашувларга таянилганлиги, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Амир Темур вафотидан кейин Мовароуннаҳрда юз берган сиёсий жараёнларни ўрганиш, тахт учун даъвогар шахзодалар ўртасидаги кучлар нисбати ва уларни қўллаган сиёсий гуруҳлар манфаатларини форс, араб, туркий ва бошқа тиллардаги бирламчи манбалар асосида таҳлил этиш ушбу давр тарихини чуқур англаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганиш бўйича ўтказиладиган илмий тадқиқотларда ҳамда “Ўзбекистон тарихи” фани ва “Амир Темур ва темурийлар даври тарихи”, “Шарқ алломаларининг илмий мероси”, “Ўрта

Осиёнинг ўрта асрлар даври манбашунослиги ва тарихшунослиги” каби махсус курслари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XV аср бошларида Мовароуннаҳрда ҳокимият учун кураш (кучлар нисбати ва натижалар таҳлили) муаммосини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

валиаҳд шаҳзода Мирзо Муҳаммад Султон вафотидан сўнг теурий шаҳзодалар ўртасида бошқарувчилик қобилияти, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий мавқеи билан бошқалардан кескин ажралиб турадиган яққол етакчи кўзга ташланмаганлиги сабабли Амир Темур валиаҳд тайинлаш масаласини ортга суриб борганлиги, тахт учун даъвогар шаҳзодалар ўртасида бошқарувдаги тажрибаси ва ёши катталиги билан Мирзо Пир Муҳаммаднинг, йирик амирлар, ҳарам аҳли ва диний уламолар ўртасидаги мавқеининг юқорилиги сабабли Мирзо Шохрухнинг, Хитой юришига жалб қилинган қўшиннинг катта қисмини бошқараётганлиги, ҳокимият учун кураш жараёнида пойтахтга яқин бўлганлиги учун Халил Султоннинг имкониятлари юқори эканлиги каби илмий натижалари асосида тайёрланган мақолалар ҳамда Мовароуннаҳр тарихи тўғрисида маълумот берувчи ўрта асрларга оид форс тилидаги тарихий асарларнинг электрон нусхалари каби музей хужжатлар фондига тақдим этилган маълумотлардан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи экспозициясини шакллантиришда фойдаланилган (Маданият вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 01-12-10-5681-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар музей фондиди янги маълумотлар билан бойитишга, экспозицион режалар тузишга, кўргазмалар ташкил этишга, илмий-оммабоп маълумотлар яратишга, уларни илмий жиҳатдан бойитишга манба сифатида хизмат қилган;

Қаро тоторлар ва ирокликларнинг Мовароуннаҳрдан Кичик Осиё ҳамда Ирокқа қайтиши 3 босқичда амалга ошганлиги аниқланиб, бу ҳолат Халил Султон мавқеининг заифлашувида катта таъсир қилганлиги, унинг давлат бошқарувидаги ҳатолари, амирлар Шайх Нуриддин ва Худойдод Хусайнийга қарши курашда муваффақиятга эриша олмаганлиги Мовароуннаҳрда Мирзо Шохрух ҳокимиятининг ўрнатилиши учун қулай шароит яратганлиги каби илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston tarixi” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатуви сценариясини шакллантиришда фойдаланилган (“O’ZBEKISTON” TELERADIOKANALI” ДУКнинг 2021 йил 16 февралдаги 02-10-230 сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувнинг бирламчи тарихий манбалар асосидаги илмий далил ва XV аср бошларида Мовароуннаҳрда кечган тарихий жараёнларга оид янгиликлар билан бойитилиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.Тадқиқот натижалари 6 та илмий конференция ва семинарларда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-назарий конференция ва семинарларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, муаммаонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Мовароуннахрнинг XV аср бошлари тарихига оид тадқиқотлар ва манбалар”**, деб номланган биринчи бобида мавзунинг тарихшунослиги ва манбашунослиги масалалари ёритилган. Ушбу бобнинг **“Амир Темур вафотидан кейин Мовароуннахрда юз берган сиёсий жараёнларнинг фанда ўрганилиши”** номли биринчи параграфида тадқиқот мавзусига яқин доирада олиб борилган илмий изланишлар, масаланинг кенг ва кам ўрганилган жиҳатлари, муаммога нисбатан ёндашувнинг назарий-услубий томонлари ҳақида фикр мулоҳазалар билдирилган.

Жаҳон тарихшунослигида Амир Темур ва темурийлар даври тарихи катта қизиқиш билан ўрганилиб, кўплаб илмий асарлар ва тадқиқотлар эълон қилинмоқда. Уларнинг маълум бир қисмида 1405–1409-йилларда Мовароуннахрда юз берган сиёсий жараёнлар масаласига ҳам тўхталиб ўтилган. Тадқиқотимизга яқин мавзуларда бажарилган ишларни даврий ва ҳудудий тамойилларга кўра 3 гуруҳга бўлиб ўрганишни лозим топдик: 1) хорижий мамлакатларда эълон қилинган илмий ишлар; 2) Россия империяси ва совет даврида чоп этилган адабиётлар; 3) мустақиллик йилларида Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотлар.

1. Хорижий мамлакатларда эълон қилинган илмий ишлар. Хориж тарихшунослигида яратилган илмий тадқиқотларда Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг турли масалалари кенг ўрганиб келинмоқда. Мазкур тадқиқотлар Амир Темур вафотидан кейин Мовароуннахрда юз берган сиёсий жараёнлар мавзусини ҳам четлаб ўтмаган. Ушбу даврдаги сиёсий воқеаларнинг фаол иштирокчиси бўлган Халил Султон, Мирзо Шохрух, Мирзо Пир Муҳаммаднинг давлатчилик фаолиятига оид баъзи хулосалар хорижий тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида ҳам акс этган⁴.

⁴D'herbelot. Par la compagnie des libraires. M. DC. XCVII. – Paris, 1697. – P. 884; Joseph de Guignes. Histoire generale des huns, des turcs, des mongols, et des autres tartars occidentaux. Vol IV. Paris: Desaint et Saillant, 1758.

2. Россия империяси ва Совет даврида чоп этилган адабиётлар.

Бу даврда ҳам Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид яратилган илмий ишлар, адабиётлар салмоқли эканлиги бир қатор тадқиқотларда кўрсатиб ўтилган⁵. Россияда темурийлар сулоласи тарихини илмий жиҳатдан ўрганилиши XVIII асрдан бошланган эди. Уларда, асосан, Амир Темур фаолиятининг Жўжи улуси билан боғлиқ жиҳатлари ёритилган⁶. Россия империяси ҳудудларининг Шарқ томон кенгайиб бориши билан параллел равишда у ерда ватанимиз, жумладан, темурийлар сулоласи тарихининг айрим масалаларига бағишланган тадқиқотлар ҳам пайдо бўлди⁷. Лекин уларда 1405–1409 йилларда Мовароуннаҳрда юз берган сиёсий жараёнларга алоҳида эътибор қаратилмаган. Ушбу даврда фаолият олиб борган В.В.Бартольд ўзининг асарларида биринчилардан бўлиб, Амир Темур вафоти ва ундан кейин юз берган сиёсий жараёнларни илмий таҳлил қилган. Гарчи у

– Р. 74–81; Лянглэ Л. Жизнь Тимура. // Лянглэ Л. Соч. / пер. с фр. Н. Суворов. – Т., 1890 – 72 с.; Жан-Поль Ру. Тамерлан. / Пер. с французского. Соколова Е.А. – Москва: Молодая гвардия, 2012. – С. 424; Grousset Rene. The Empire of the stappes. / Translated from the French by N. Walford. – New Jersey: New Brunswick, 1970.– Р. 773; Люсьен Кэрэн. Амир Темур салтанати. / Француз тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Б.Эрматов. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – Б.190–203; Хильда Хукхэм. Властитель семи созвездий. / Пер. с англ. Г. Хидоятова. – Тошкент: Адолат, 1995. – С. 290–291; Manz Beatrice Forbes. Administration and the delegation of Authority in Temurs Dominions. // Central Asiatik Journal. 1976. № XX. – Р. 191–207; Ўша муаллиф. The Ulus Chagatay before and after Temurs rise to power. // Central Asiatik Journal. 1983. № XXVII. – Р. 79–100; Ўша муаллиф. The rise and rule of Tamerlane. – Cambridge University Press, 1989 – 227 p.; Ўша муаллиф. Power, Politics and Religion in Timurid Iran– Cambridge University Press, 2007- 316 p.; Roemer H.R. Timur in Iran // The Cambridge history of Iran. Vol. 6. The Timurid and Safavid periods, ed. Peter Jackson and Laurence Lockhart. Cambridge: Cambridge University Press, 1986. – Р. 100–101; Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. / Нашрга тайёрловчи Сирожддин Саййид. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б. 58–59; Вамбери Г. История Бохары или Трансоксании съ древнейшихъ временъ до настоящаго./Перевод А.И.Павловскаго.Томъ первый. – С.-Петербургъ, 1873; Bregel, Yuri. An Historical Atlas of Central Asia. Brill. – Leiden–Boston., 2003. – Р. 44; Ака, İsmail Timur ve Devleti, Ankara, Türk Tarix Kurumu basievi, 1991. – S.34–40, 50–56; Alan Hayrunnisa. Sultan Ebu Said Devri Timurlu Tarihi (1451–1469). / Mimar Sinan Güzel Sanatlar Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, Tarih Ana Bilim Dalı, Ortaçağ Tarihi Bilim Dalı, Doktora Tezi, 1996. – S. 10–11; Alan Hayrunnisa. Bozkırdan Cennet Bahçesine Timurlular (1360-1506) İstanbul, Ötüken Yayınları, 2016. – 340 s.; Ali İhsan Caglar. 15.YUZYIL Maveraunnehr'inde Naksiligin sosyo-ekonomik yapisi: Hace Ahrar ve donemi (1450–1490). Hasetepe Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, Tarih Anabilim Dalı, Doktora Tezi, Ankara, 2015. – 180 p.; Ali Rıza Yağlı. Timurlu Devleti Emirleri. I-Barlas Boyu: Hudaydad Huseyni Barlas // Turk tarihine dairYazılar III. – Ankara, 2018. – S. 745–758; Mehibe Şahbaz. Timurlu mirzalar meselesi. // Ç.Ü. Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, Cilt 27, Sayı 2, 2018. – S. 18–32; Рахманалиев Р. Военная держава Амира Темура. – Москва: ПРОГРЕСС-ИД, 2005. – С. 205–234.

⁵Усмонов Б.А. Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигида ёритилиши (XVIII–XX асрлар): Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎзР ФА ШИ, 2004. – 166 б; Ўша муаллиф. Россия тарихшунослигида Амир Темур сиймоси. – Тошкент: Фан, 2011. – 128 б; Шамукарамова Ф. Изучение истории государства Амира Темура и Темуридов в конце XIX – начале XX вв. // Очерки истории государственности Узбекистана. Том 2. / Отв. ред. Д.Алимова. – Тошкент: Navro'z, 2018. –С. 57–74.

⁶Татищев В. Н. История Российская. Т.V. – М.Л., 1965. –С. 182–197; Карамзин Н. М. История государства Российского. Т.V. – Тула, 1990.–С.253–295; Грановский Т. Н. Тимур. // Полное собрание сочинений, Том 1. – СПб, 1905. – С. 341–352; Соловьев С. М. История России с древнейших времен. Том 4. – Москва, 1960. – С.360–362.

⁷Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. – Тошкент: Фан, 1994. –240 б; Богданов М. Г. Последние дни жизни Тамерлана. Его поход на Китай (с персидского). // Туркестанские ведомости. 1872. № 18; Лидский С. Великие завоеватели Средней Азии: Александр Двурогий и Тимур Хромой. //Туркестанские ведомости. – 1889. № 5,6; Павлов Н. Г. Тимур. // Павлов Н. Г. История Туркестана в связи с историческим очерком сопредельных стран (Персии, Афганистана Белуджистана, Индии и Восточного Туркестана). – Ташкент, 1910.–С.12–16; Зимин Л. А. Четвертый поход Тимура на Хорезм. // Туркестанские ведомости. 1910. №.266; Он же. Подробности смерти Тимура. // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии, Год XIX, Вып I. Т., 1914.–С.37–55.

ҳам мазкур масалага бағишланган алоҳида, яхлит тадқиқот яратмаган бўлса-да, 1405–1409 йилларда бўлган воқеаларни ушбу даврнинг турли масаларига боғлиқ ҳолда тадқиқ этган⁸. Совет даврида нашр этилган илмий ишларда Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг ёритилиши масаласи тарихшунослик нуқтаи назаридан бир мунча ўрганилган⁹. Мазкур давр тарихшунослигида А.Ю.Якубовский, Л.В. Строева, И.М. Мўминов, С. Азимжонова, М. Абдураимов Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид илмий асарлари билан ажралиб туради¹⁰.

3. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотлар. Мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганилишида янги босқич бошланди. Бу даврда яратилган фундаментал тадқиқотлар темуршуносликнинг тараққий этишида муҳим ўрин тутди¹¹. Мустақиллик йилларида бир қатор муаллифлар томонидан темурийлар сулоласи тарихига оид салмоқли асарлар яратилди. Бу борада Б.Аҳмедов, А.Мухаммаджонов, У.Уватов, А.Аҳмедов, С.Жалилов, Т.Файзиев, Д.Ю.Юсупова, Азамат Зиё, О.Бўриев, Ш.Ўлжаева ва бошқаларнинг илмий асарлари ҳамда тадқиқотларини тилга олишимиз мумкин¹². Нумизматика масалаларига бағишланган адабиётларда 1405–1409

⁸Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Ч.2. –М.: И.В.Л. 1964. – С.37-95 (кейинги ўринларда - Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Ч.2.).

⁹Ўлжаева Ш.М. XX асрнинг 50-60 йилларида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихшунослиги (шўро адабиётлари мисолида): Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎЗР ФА ТИ, 1999. – 154 б; Усмонов Б.А. Амир Темур ҳаёти ва давлатчилиги фаолиятининг Россия тарихшунослигида ёритилиши (XVIII–XX асрлар): Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎЗР ФА ШИ, 2004. – 166 б; Ўша муаллиф. Россия тарихшунослигида Амир Темур сиймоси. – Т.: Фан, 2011. – 128 б; Шамукарамова Ф. Историография истории государственности периода правления Амира Темура в 20–80 годы XX века // Очерки истории государственности Узбекистана. Том 1. / Отв. Ред. Д.Алимова. – Тошкент: Navro'z, 2018. – С. 86–101.

¹⁰Якубовский А.Ю.Темур: Опыт краткой политической характеристики // Вопросы истории. – Москва, 1946. №8-9. – С. 42–74; Он же. История падения Золотой Орды. // Вопросы истории. – Москва: 1947, №2. – С. 30–45; Он же. Падение Золотой Орды. В кн.: Греков Б. Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и ее падение. – М–Л., 1950, – С. 216–428; Он же. Средняя Азия в XIII–XV вв. В кн.: Очерки истории СССР. Период феодализма. –Москва, 1953. – С. 648–679; Он же. Государства Темур. В кн.: История Узбекской ССР, Кн. 1. –Ташкент, 1955. – С.313–334; Ўша муаллиф. Темур давлати. Темурийлар даврида Мовароуннахр ва Хуросон. // Ўзбекистон ССР тарихи. I том. Биринчи китоб–Тошкент, 1956. – Б.345–418; Он же.Образования государства Темура. Походи Тимура и его внутренняя политика. В кн.: Всемирная история, Т.3, –Москва,1957. – С. 572–587; Он же. Государства Темура. Мавераннахр и Хорасан при Тимуридах. В кн.: История Узбекской ССР. – Т., 1967. – С.435–508; Строева Л.В. Возвышение Тимура (1360-1370 гг). // Научный бюллетень Ленинградского гос. Университета. – Ленинград, 1945. – № 4. – С. 26–28; Она же. Сербедары Самарканда.// Уч. Зап. ЛГУ. Серия востоковедческих наук. – Ленинград, 1949. – Вып 98. – С.64–87; Она же. Возникновение государства Тимура // Уч. Зап. ЛГУ. Серия востоковедческих наук. – Ленинград, 1952. – Вып 3. – №128. – С.64–87; Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Ёзма манбалар асосида (иккинчи нашри) – Тошкент: Фан, 1993. – 56 б; Азимджанова С. К истории Ферганы второй половины XV в. – Тошкент: Издательство Академии наук Узбекской ССР. 1957. – 92 с; Абдураимов М. Темур ва Тўхтамиш. // Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи – О. Абдуллаев – Тошкент: Фафур Фулом, 2000. – 80 б (ушбу тадқиқот 1948 йили Ленинград давлат университетида номзодлик диссертацияси сифатида химоя қилинган эди.).

¹¹Темур ва Улуғбек даври тарихи. / Бош муҳаррир академик А.Аскарлов – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. – 265 б; Амир Темур жаҳон тарихида. / Масъул муҳаррир Ҳ.Қароматов. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 304 б; История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и темуридов. / Отв. редакторы: Э.В.Ртвеладзе, Д.А.Алимова. – Ташкент: Фан, 2017. – 568 с.

¹² Аҳмедов Б. Улуғбек – Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – Б. 24–59; Ўша муаллиф. Ўзбек улуси – Тошкент: А.Қодирий, 1992. –Б. 91; Аҳмедов Б. Мирзо Улуғбек. // Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 109–111 (кейинги ўринларда - Аҳмедов Б. Мирзо Улуғбек.); Аҳмедов А. Улуғбек (ҳаёти ва фаолияти) – Тошкент:Фан, 1991. – Б.15-29 (кейинги ўринларда - Аҳмедов А. Улуғбек (ҳаёти ва

йилларда Самарқандда зарб этилган тангалар ҳақида ҳам қисқа қайдлар мавжуд¹³ бўлиб, улар Мовароуннаҳр ҳукуматининг сиёсий мақсадлари борасида хулосалар чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар даври тарихининг турли илмий муаммоларига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар яратилган¹⁴. Ўзбекистон тарихининг долзарб масалаларига бағишланган илмий анжуманларда эълон қилинган илмий ишларда ҳам 1405–1409 йилларда Мовароуннаҳрда кечган сиёсий жараёнлар тарихига оид баъзи мулоҳазалар билдирилган¹⁵.

фаолияти.); ўша муаллиф. Улуғбек Муҳаммад Тарағай. – Тошкент: А.Қодирий, 1994. – Б. 10–12; Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати (Тарихий очерк). – Тошкент: Қомуслар Бош тахририяти. 1994. – Б. 64–65; Файзиёв Т. Темурийлар шажараси – Тошкент: Ёзувчи, Хазина, 1995–350 б; Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. Тошкент: Шарқ, 1997. – 160 б; Уватов У. “Ажойиб ал – макдур”даги тарихий маълумотлар ва уларни ўрганишга доир // Амир Темур ва темурийлар даври ренессанси хорижий тадқиқотларда / Темурийлар тарихи давлат музейи. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 7–11; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 165–168 (кейинги ўринларда - Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.); Юсупова Д.Ю. Жизнь и труды Хондамира – Ташкент: Фан, 2006. – 326 с.; Бўриёв О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё (Тарихий-географик лавҳалар) – Тошкент: Ўзбекистон. 1997. – 186 б; Ўша муаллиф. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси. – 352 б (кейинги ўринларда - Бўриёв О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси.); Раҳматуллаева О.Р. Амир Темур салтанати тарихнавислиги. – Тошкент: Фан ва технология, 2010. – 94 б.; Ўлжаева Ш. Амир Темур давлат бошқаруви – Тошкент: Академия, 2017. – 248 б; Ўша муаллиф. Амир Темур дипломатияси – Тошкент: JOD PRESS, – 156 б; Файзиёв Х. Т. Мирзо Шоҳрух ва унинг ташки сиёсати – Тошкент: Наврўз, 2016. – 132 б (кейинги ўринларда - Файзиёв Х. Т. Мирзо Шоҳрух ва унинг ташки сиёсати); Дадабоев Х. Амир Темур даврдолари (мўъжаз энциклопедия). – Тошкент, 2018. – 288 б.

¹³Тўхтаев И. Темур ва темурийлар сулоласининг тангалари. – Тошкент: Фан, 1992. – 44 б; Кочнев Б.Д. Новый клад серебряных монет Амира Темура и темуридов. // Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция маърузалари баёни. – Самарқанд, 1996. – Б. 15–16; Камышев А.М. Клады медных монет Тимуридов и Шейбанидов – Самарқанд: МИЦАИ, 2013. – 176 с.

¹⁴Шпенёва Л.Ю. Денежное обращение Ферганы и Шаша в эпоху Темуридов (медные монеты XV–нач. XVI в.). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИА АН РУз, 1997. – 26 с; Улжаева Ш.М. XX асрнинг 50–60 йилларида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихшунослиги (шўро адабиётлари мисолида): Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎЗР ФА ТИ, 1999. – 154 б ; Ўша муаллиф. Амир Темур салтанатида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. Тарих фан... док... дисс. автореферати. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти. – Тошкент, 2008. – 44 б; Абиджонов Д.С. Маверауннаҳр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60–90-х годов XX в. Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН РУз, 2000. – 26 с; Юсупова Д.Ю. Творческое наследие Хондамира как источник по истории культуры Центральной Азии XVI в.: авторев. дисс... докт. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН РУз, 2001. – 52 с; Усмонов Б.А. Амир Темур ҳаёти ва давлатчилик фаолиятининг Россия тарихшунослигида ёритилиши (XVIII–XX асрлар): тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ЎЗР ФА ШИ. 2004. –166 б; Ўша муаллиф. Амир Темур ва темурийлар даврида Фарғона водийсининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти: тарих фан. док... дисс. – Тошкент: ЎЗР ФА ТИ. 2020. – 295 б; Каримова Н.Э. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV–XVIIвв. (по материалам китайских источников). дисс... док. ист. наук. – Ташкент: ИВ АН РУз, 2005. – 279 с; Хидирова Н. У. Хожа Муҳаммад Парсонинг Хожагон-Нақшбандийа тариқатининг ривожланишида тутган ўрни ва роли: тарих фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006; Раҳматуллаева А.Р. Историография жизни и деятельности Амира Темура в Узбекистане (1991–2009). Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: ИИ АН РУз, 2010. – 31 с; Абдуллаев У.А. Амир Темурнинг Яқин Шарқдаги сиёсати: Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент: ТДШИ, 2012. – 147 б; Хидиров С.М. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва давлат тузуми: юридик фан. номз...дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – 192 б; Буриёв А. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё тарихий географияси: Илмий маъруза шаклидаги тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси. – Тошкент: ЎЗР ФА ШИ, 2019.– 112 б.

¹⁵Қуронбеков А. Алишер Навоий Амир Темур ва темурий султонлар ҳақида. // “Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. Темурийлар тарихи давлат музейи. Тошкент – 2016 йил 9 апрель, 9-китоб. – Тошкент: Mashur-Press, 2017. – Б. 6–12; Саидов М.М. Самарқанддаги Шероз қишлоғи. // Ўша тўплам. – Б. 133–136; Иноятов С. Мирзо Улуғбекнинг назари тушган қадимий маскан. // “Темурийлар

Бобнинг иккинчи параграфи “Мовароуннахрнинг XV аср бошлари тарихини ёритувчи манбалар таҳлили” масаласига бағишланган. Тарихий тадқиқотларнинг яратилишида тарихий манбалар муҳим ўрин тутди. Маълум бир мавзу доирасида билдирилган фикр мулоҳазалар, илмий ғоялар бирламчи тарихий манбаларга таянилганлиги, улардан келиб чиққанлиги билан қадрланади. Тадқиқотнинг ишончлилики даражаси ва илмий қиймати ҳам кўп жиҳатдан тарихий манбалар билан қай даражада асосланганлигига боғлиқдир¹⁶.

Тадқиқотимиз асосини ташкил этган тарихий манбалар ўрганилаётган муаммони ёритишдаги ўрни ва аҳамияти жиҳатидан таҳлил қилинди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Амир Темур ва темурийлар тарихини ўрганишга кенг йўл очилиб, ушбу давр тарихига оид кўплаб ёзма манбалар ўрганилди ва нашр этилди¹⁷.

Диссертация ишида Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий, Руи Гонсалес де Клавихо, Хожа Тожиддин ас-Салмоний, Муиниддин Натанзий, Шарафуддин Али Яздий, Фасих Хавафий, Ҳофизи Абру, Ибн Арабшоҳ, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Ҳасанбей Румли ва бошқа муаллифларнинг тарихий асарларига катта эътибор қаратилди¹⁸. Шунингдек,

тарихига оид манбалар: тавсиф, таржима, тадқиқот” мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий конференция материаллари. Темурийлар тарихи давлат музейи. Тошкент – 2009 йил 20 октябрь. 5-китоб. – Тошкент: Akademnashr, 2011. – Б. 134–139; Шафика Ёркин. Темурий маликаларнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси. “Темурийлар давлатчилиги ва ренессанси” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. Темурийлар тарихи давлат музейи. Тошкент – 2006 йил 23 март. 3-китоб. – Тошкент, 2008. – Б. 46–53.

¹⁶ Аҳмедов. Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Тошкент: Ўқитувчи. 2001. – Б. 11; Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 8; Арслонзода Р.А. Источниковедения. – Ташкент: Наврўз, 2019. – С. 6-7.

¹⁷ Бўриев О., Раҳматуллаева О. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида Темурийлар салтанати тарихига оид ёзма манбаларнинг ўрганилиши хусусида. // “Темурийлар даври тарихига оид манбалар” мавзусида ўтказилган Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, Темурийлар тарихи давлат музейи, 18 октябрь 2007 йил. 4- китоб. – Тошкент, 2010. – Б. 44–55.

¹⁸ Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию / Пер. с перс., предис. и примеч. А.А.Семенова. – Москва: Вост., 1958; Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўғирувчи – Ю.Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва маъсул муҳаррир – А.Ўринбоев, изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ.Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О.Бўриевники), Ҳофизу Абруни «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и («Илова»)ни форсийдан ўғирувчи ва изоҳларини тузувчи – О.Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996; Руи Гонсалес де Клавихо. Буюк Амир Темур тарихи (1403–1406) / Испан тилидан Улуғбек Жўраев таржимаси // Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. – Тошкент: F. Фулом нашриёти, 2007; Тағ ас-Салманӣ. Šams al-ḥusn // ins deutsche ubertragen und kommentiert von Hans Robert Roemer. Franz steiner verlag gmbh. Wiesbaden, 1956 (кейинги ўринларда – Тағ ас-Салманӣ.); Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. / Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи – Фулом Каримий – Тошкент: Ўзбекистон. 2011; Йаздий. Зафарнома; Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи / Пер. предис. примеч. и указатели Д.Ю.Юсуповой. – Тошкент: Фан, 1980 (кейинги ўринларда – Хавафи. Муджмал-и Фасихи.); (кейинги ўринларда – حافظ ابرو. زوبة التواريخ. مقدمة، تصحيح و تعليقات: كمال حاج سيد جوادى. در چهار جلد. تهران، 1960–1959. : (حافظ ابرو) – Ибн Арабшоҳ 1-китоб; Ибн Арбшоҳ 2-китоб; Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи А.Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон. 2008, 2-жилд 1-кисм, 2-жилд 2 ва 3-кисмлар (кейинги ўринларда – Самарқандий. Матлаи саъдайн... . 2-Ж., 1-Қ.; Самарқандий. Матлаи саъдайн... . 2-Ж., 2-3-Қ.); Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Қўлёзма. مجمع البحرين و مطلع السعدين و سمرقندوى عبدالرزاق سمرقندوى АКШнинг Мичиган университети кутубхонасидан олинган электрон нусха (кейинги ўринларда – Самарқандий. ...مقطع السعدين. Қўлёзма.); Мирхонд. Равзат ал-сафо фи сийрат ал-анбиё вал мулк вал хулофо. Қўлёзма. الصفافى ستره الانبياء و الملوك و الصفاروضه. Мирхонд. الصفاروضه. Қўлёзма.); Хондамир Ғиёсиддин. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари – Жалил Ҳазратқулов, Исмоил Бекжонов, Изоҳлар муаллифлари

тадқиқ этилаётган давр ҳақида маълумотлар тақдим эта олувчи насабнома¹⁹, тазкиралардан ҳам кенг фойдаланилди²⁰.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**XV аср бошларида Темурийлар салтанатида ички сиёсий вазият ва ҳокимият учун курашнинг бошланиши**” масаласига бағишланган бўлиб, унинг биринчи параграфи “**Тахтга даъвогар шахзодалар ўртасида кучлар нисбатининг таҳлили**”, деб номланган.

Амир Темур вафотидан кейин бошланиб кетган тахт учун кураш Темурийлар салтанати тараққиётини хавф остига қўйди. Соҳибқирон давлатни бошқаришда ўғиллари, набиралари ва йирик амирларига таянган эди. Салтанат таянчи бўлган ушбу кучлар мероснинг кўпроқ қисмига эга бўлиш мақсадида ўзаро рақибларга айландилар. Бунда эса тахт учун даъвогар шахзодаларнинг салтанат ички сиёсий вазиятида эгаллаган мавқеи катта аҳамиятга эга бўлган.

Тадқиқотда Мирзо Мироншоҳ, Мирзо Пир Муҳаммад Жаҳонгир, Мирзо Шохрух, Мирзо Пир Муҳаммад Умаршайх, Мирзо Рустам, Мирзо Абобакр, Мирзо Умар, Халил Султон ва Мирзо Искандарларнинг Амир Темур фаолияти сўнгги йилларида сарой аҳли, давлат амалдорлари ва қўшин ичидаги мавқеи тадқиқ этилган. Таҳлил натижалари Амир Темур тахтига даъвогарлар орасида Мирзо Пир Муҳаммад Жаҳонгир, Мирзо Шохрух ва Халил Султонларнинг имкониятлари юқори бўлганлигини кўрсатди.

Ёши улуғлиги, бошқарувдаги тажрибаси, сулоладаги катта ўғил Мирзо Жаҳонгирга фарзанд, аввал валиаҳд этиб тайинланган марҳум Муҳаммад Султонга ука бўлганлиги каби омиллар эвазига Мирзо Пир Муҳаммаднинг валиаҳд этиб тайинланиш эҳтимоли юқори эди. Унинг 1404 йили кузида ўтказилган қурултойга чақирилиши ҳам шундан далолат беради. Айнан шу қурултойда Мирзо Пир Муҳаммаднинг валиаҳд сифатида эълон қилиниши кутилган эди. Лекин Амир Темур валиаҳд тайинлашни кейинга қолдиради. Мирзо Пир Муҳаммаднинг 1399 йилдан бошлаб ўз мулкида қолдирилганлиги, “етти йиллик юриш”га жалб этилмаганлиги оқибатида Амир Темур атрофидаги йирик амирлар билан алоқаларини узоқлашганлиги бунга таъсир қилган бўлиши мумкин. Амир Темур ҳаётининг сўнгги кунларида Мирзо Пир Муҳаммад валиаҳд этиб тайинланиб, имкониятлари бир мунча кучайган бўлса-да, йирик амирлар ва сарой ўртасида катта таъсирга эга эмаслиги унга ҳалақит берди.

Мирзо Шохрухнинг 1404 йилдаги сўнгги қурултойга чақирилмаганлиги Амир Темур назарида валиаҳдликка номуносиб кўрилганидан далолат берса ҳам, аслида саройда унинг мавқеи юқори эди.

– Ашраф Аҳмедов, Исмоил Бекжонов, – Тошкент: Ўзбекистон. 2013 (кейинги ўринларда – Хондамир. Ҳабиб ус-сийар...); Нәсән бәу Румлу. Әһсәнүт-тәвәрих (Тарихларин ән уахşиси). Кастамону: Узанлар, 2017. – 661 с.

¹⁹ Му’изз ал-ансаб (Прославляющее генеалогии). Том III / Отв. ред. А.К.Муминов. Перевод с персидского, предисловие, примечание, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х.Вохидова; сост. указателей У.А.Утепбергеновой. – Алматы: Дайк-Пресс, 2006.

²⁰ Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. Т. 12. Мажолисун-нафоис. Нашрга тайёрловчи С. Ғаниева. – Тошкент: Ғафур Ғулوم, 1966 (кейинги ўринларда – Навоий. Мажолисун-нафоис.); Шарафуддин Роқимий. Тарихи Томм. / Форс тилидан таржима, луғат ва изоҳ муаллифлари Ҳ.Бобобекков, Н.Аминов, Н.Норқулов, Ҳ.Ҳомидов. – Тошкент: Маънавият, 1998.

Бунга Мирзо Шохрух Амир Темурнинг давлатчилик ва ҳарбий фаолият олиб бораётган ягона ўғли эканлиги, йирик амирлар, айниқса, сўнгги йилларда Соҳибқироннинг яқин шахсларига айланган Шохмалик, Шайх Нуриддин ҳамда ҳарам аҳли билан иноклиги, қолаверса бошқарув ва ҳарбий ишларда етарли даражада тажриба тўплай олганлиги каби омиллар таъсир киларди. Мирзо Шохрухнинг қарор қилишда шошилмаслиги, мулоҳазакорлиги, кўпчиликнинг маслаҳати билан иш тутишга мойиллиги, қолаверса диний уламолар орасида ўз таъсирига эга бўлганлиги кўпчиликка, айниқса, йирик амирларга маъқул эди. Амир Темур саройида яшаётган Мирзо Шохрухнинг ўғиллари Мирзо Улуғбек ва Мирзо Иброҳимларга амир Шохмалик ҳамда амир Шайх Нуриддиннинг оталиқ этиб тайинланганлиги ҳамда ушбу шахзодаларга Фарғона, Тошкент, Сайрам, Еттисув ва Шарқий Туркистон ҳудудларининг инъом этилганлиги унинг таъсиридан далолат берарди. Айниқса, бир неча йиллардан бери Амир Темур билан биргаликда ҳарбий юришларда иштирок этаётган Халил Султон ва Мирзо Аҳмадга ҳали бирор бир вилоят бошқаруви топширилмаган вазиятда ёш шахзодаларга бу суюрғолларнинг инъом этилиши эътиборга молик ходиса бўлиб, Мирзо Шохрухнинг таъсир кучи анча кенглигини амалий кўриниши эди.

Халил Султон характеридаги кайсарлик, маиший ҳаётга нисбатан шахсий майлларнинг устунлиги ва уларнинг таъсирида сиёсий масалаларга етарли эътибор бермаслиги каби салбий хислатларнинг намоён бўлиши шахзоданинг Амир Темур ҳамда сарой аёнлари орасидаги мавқеини тушишига сабаб бўлди. Бундай шароитда Халил Султон фақат ўз бошқарувидаги кўшинга таяниши мумкин эди. Ҳарбий саркардалик қобилияти ва жасурлиги билан лашкар орасида катта обрў орттирган шахзода учун бу ягона, лекин катта имконият бўлган. Халил Султон имконият жиҳатидан учинчи ўринда турса-да, Хитой юришига жалб қилинган кўшиннинг катта қисми унинг ихтиёрида эканлиги ютуғи эди. Шунингдек, Шохмалик ва Шайх Нуриддин каби тажрибали, лекин Амир Темур билан у қадар яқин бўлмаган, улуғ амирларга зимдан рақобатчи кўплаб лашкарбошилар учун Халил Султон билан яқинлашиш манфаатли эди.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида **“Самарқанд тахтининг Халил Султон томонидан эгалланиши”** масаласи тадқиқ этилди. Амир Темур вафот этгач, амирлар Шохмалик ва Шайх Нуриддин ҳамда ҳарам аҳли воқеани яширишга интилди. Мирзо Пир Муҳаммадга унинг валиаҳд этиб тайинланганлиги сабабли тезда Самарқандга етиб келиши зарурлиги хусусида мактуб жўнатилди. Мирзо Шохрух ҳам воқеадан хабардор қилинди²¹.

Гулдаги амирлар Хитой юришини давом эттиришга ҳаракат қилишди²². Шу билан биргаликда йирик амирлар ва ҳарам аҳли Мирзо Шохрухни биринчи бўлиб Самарқандга етиб келишига умид қилиб унга ҳокимиятни

²¹Йаздий. Зафарнома. – Б. 298.

²²Йаздий. Зафарнома. – Б. 299. Хондамир ҳам Халил Султон иштирокида Хитой юришини давом эттиришга келишилганлигини таъкидлайди. Қаранг: Хондамир. Ҳабиб ус-сийар... – Б. 285.

топширишга келишиб ҳам олдилар²³. Бундан кўринадики, ҳарам аҳли ва амирлар Шохмалик, Шайх Нуриддин Мирзо Султон Ҳусайн ҳамда Халил Султонни имкон қадар узоқ вақт шу ерда олиб қолишга, иложи бўлса Хитой юриши баҳонасида уларни мамлакатдан узоқроққа олиб кетишга ҳаракат қилишган. Бу билан улар Мирзо Шохрухни Самарқандга келиб тахтни эгаллаб олиши учун шароит яратишга интилган.

Биринчи бўлиб тахт учун ҳаракатни Мирзо Султон Ҳусайн бошлайди²⁴. Унинг пойтахт томон юриш бошлаганлигини эшитган амирлар Шохмалик ва Шайх Нуриддин ҳам Халил Султондан Ўтрорга келишни сўраганлари ҳолда ўзлари Самарқанд томон йўл олдилар. Бу вақтда хали Тошкентда турган ўнг қанот беклари Халил Султон номига қасамёд қилдилар²⁵. Халил Султонга байъат қилиниши амирлар Шайх Нуриддин ва Шохмаликни ташвишга солган. Улар зудлик билан Тошкентдаги бекларга мактуб жўнатиб, Амир Темур васияти бўйича иш тутиш тўғрисида кўрсатма бердилар²⁶. Шундан сўнг Тошкент қароргоҳидаги амирлар ва Халил Султон Мирзо Пир Муҳаммад номига янги аҳдномаларни тузиб, уни тасдиқлаганлар²⁷. Эътиборлиси, Халил Султон янгиланган аҳдномани ғул амирлари – Шохмалик ва Шайх Нуриддинга уларнинг таъсирида бўлган амир Бурундук эмас, амир Аталмиш олиб боришини талаб қилади. Шунингдек, у амир Аталмишга аҳдномаларни ғул амирларига кўрсатганидан сўнг уларга топширмай, Мирзо Пир Муҳаммадга шахсан олиб боришини сўрайди²⁸. Юқоридагилардан кўринадики, ғул амирларининг таъсирида Тошкентдаги беклар орасида иккиланиш бошланган. Халил Султон вазиятни ҳисобга олган ва ён берган. Лекин ғул амирларида Тошкентдаги вазият ҳақида аниқ тасаввур бўлмаслиги учун аҳдномаларни амир Аталмиш орқали жўнатган²⁹. Халил Султоннинг аҳдномаларни валиаҳдга Аталмиш етказишини талаб қилиши, унинг амирлар Шох Малик ва Шайх Нуриддинга ишонмаслигидангина эмас, балки Мирзо Пир Муҳаммад билан тўғридан тўғри алоқа боғлаб, унинг саройидаги вазиятдан тўлиқ хабардор бўлишга интилганидан далолатдир.

Бу вақтда Тошкентдаги йирик амирлар ўзаро тил бириктириб, Халил Султон лашкарини тарк этадилар³⁰. Халил Султон лашкарининг асосий қисмини Хитой юришига жалб этилган қаро тоторлар ҳамда Олд Осиёдан келтирилган бошқа ҳарбий қисмлар ташкил этган. Ҳали мовароуннаҳрлик йирик амирлар билан яқин алоқага киришга улгурмаган бу ҳарбий қисмларнинг етакчиларини бирор бир вилоятни эгаллаб бошқаришдан кўра Халил Султон ваъда қилаётган бойликлар кўпроқ қизиқтириши табиий эди.

²³Ўаздий. Зафарнома. – Б. 299. Яна қаранг: Тағ as-Salmānī.– P. 31; Аҳмедов А. Улуғбек (ҳаёти ва фаолияти) – Б. 22.

²⁴Бартольд В.В. Сочинения. Т.2. Ч.2. – С. 73

²⁵Ўаздий. Зафарнома. – Б. 301; Аҳмедов А. Улуғбек (ҳаёти ва фаолияти) – Б. 23

²⁶Тағ as-Salmānī.– P. 34.

²⁷Ўаздий. Зафарнома. – Б. 303; Хондамир. Ҳабиб ус-сийар... – Б. 288–289.

²⁸Ўаздий. Зафарнома. – Б. 303. Хондамир ҳам мактублар амир Аталмиш орқали жўнатилганлигини таъкидлайди. Қаранг: Хондамир. Ҳабиб ус-сийар... – Б. 289.

²⁹Тағ as-Salmānī.– P. 36.

³⁰Тағ as-Salmānī.– P. 37. Аҳмедов А. Улуғбек (ҳаёти ва фаолияти) – Б. 24

Асли мовароуннахрлик бўлмаган ҳарбийлар учун Халил Султон атрофида уюшиш ва у орқали мавқега эга бўлиш келажак учун ягона йўл бўлган.

Манбаларда Халил Султон Самарқанд ҳокими Арғуншоҳни ўз томонига оғдириб олганлиги таъкидланади³¹. Амирлар Шайх Нуриддин, Шохмалик ва ҳарам аҳли 1405 йилнинг 2 март куни Самарқанд яқинига етиб келади. Лекин шаҳарга киролмаган ғул амирлари 5 март куни Бухорога йўл олган³². Уларнинг Мирзо Пир Муҳаммад ҳузурига бормай Бухорога йўл олишлари икки хил фикрни вужудга келтиради. Биринчиси, улар Мирзо Пир Муҳаммад келгунга қадар Бухорони ўз қўлларида тутиб туришни мақсад қилишган. Бу Самарқанд ҳокими сўзида турмай шаҳарни бошқа шахзодага топширган тақдирда келажакдаги курашларда асқотиши мумкин эди. Иккинчиси, улар Мирзо Пир Муҳаммад номига аҳд қилсаларда, унга қўшилмай Бухорога бориб Мирзо Шохрухнинг қандай йўл тутишларини кутишни ва шунга қараб ҳаракат қилишни мўлжаллаган эдилар. Бизнингча, улар иккинчи фикрда бўлишган.

Шайх Нуриддин ва Шохмаликнинг Самарқандга кира олмаганлиги Халил Султон мавқеини кескин ошириб юборган. Манбалар таҳлили Халил Султон 9 март куни Самарқандга етиб келганлигини кўрсатади³³. Унинг бир муддат шаҳар ташқарисида қолишининг сабаби тахтга ўтириш учун омадли вақтни кутганлиги билан изоҳланса-да³⁴, аслида вазият шунга имкон берган.

